



## Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятининг объекти

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи.  
**Эшонхонов Камолхон Маматхонович.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 233-моддасида банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 16-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши белгиланган. Демак, ҳар бир қилмиш жиноят сифатида баҳоланиши ва жавобгарликка тортилиши учун аввало, ушбу қилмишда жиноят таркиби мавжудлиги аниқланиши зарур.

М. Усмоналиев таъкидлашича “Жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жинойлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади”<sup>1</sup>.

Ф. Худойкулов фикрича, “Жиноят таркиби – бу ҳар қандай жиноятнинг ташқи ва ички тузилишини ўзида намоён этадиган жиноят объектив ва субъектив белгиларининг минимал ҳамда етарли йиғиндисидир. Жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари айнан жиноятнинг зарурий белгилари орқали аниқланади. Қонун чиқарувчи ЖК Махсус қисм муайян модда нормасини тузишда ўша жиноятга хос бўлган энг зарур белгиларни танлаб олади ва мазкур модда диспозициясида баён қилади. Жиноят ва жиноят таркиби бошқа белгилари кўрсатилмаслиги муайян жиноят учун бу белгилар аҳамиятли эмас, деган маънони англатмайди. Аксинча, ҳар қандай жиноят тўртта зарурий белгилар ва ушбу жиноят

<sup>1</sup> Усмоналиев М. Жиноят таркиби. Ўқув қўлланма. Т. 2008. 3-6.



таркиби объектив ва субъектив белгиларининг минимал ҳамда етарли йиғиндисига эга бўлиши лозим”<sup>2</sup>.

Юқорида кўрсатилган фикрларга қўшилган ҳолда, жиноят таркиби деганда жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони жиноят таркибини ташкил қилишини таъкидлаймиз.

Жиноят таркибининг дастлабки элементи жиноятнинг объекти ҳисобланади. Жиноятнинг объекти деганда, жиноят қонунчилиги билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. ЖКнинг 2-моддасида жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектлар сифатида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги белгиланган бўлиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу муносабатлар умумий объект деб аталади.

Махсус объект бир-бирига яқин бўлган ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган алоҳида гуруҳдаги жиноятлар учун умумий бўлган объектлардир. ЖК Махсус қисми бўлим ва боблари шундай объектлар гуруҳига қараб тузилган.

Бевосита объект эса, жиноят қайси ижтимоий муносабатга тажовуз қиладиган бўлса, айнан шу ижтимоий муносабат жиноятнинг бевосита объекти ҳисобланади.

Бевосита ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноят объекти масаласини батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, “Бегона мол-мулкка нисбатан жиноят содир этилганида ёки мулкий зарар етказилганида, шунингдек, жазони ижро этишни ёки фуқаровий даъвони таъминлаш тартибида жарима кўринишидаги жазони моддани санкцияси ўз ичига олган барча ҳолларда жиноий йўл билан топилган мулкни давлат даромадига ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 290-моддасига мувофиқ, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон

<sup>2</sup> Худойкулов Ф. Жиноят ва жиноят таркиби тушунчалари ҳамда улар (субъектив ва объектив) белгиларининг ўзаро муносабати: инструментал таҳлил ва тақлиф. Ж. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. No11(2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-11.54-6>.



қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг ёхуд жиноий йўл билан топилган мулки бўлган шахсларнинг мол-мулкини хатлаши шарт<sup>3</sup>.

Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда, банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш жиноятининг бевосита объекти, одил судлов манфаатлари, суд идораларининг нормал фаолияти, қўшимча объекти сифатида хатланган мол-мулк ҳисобидан қопланиши мумкин бўлган мулкдор ҳуқуқлари бўлиши керак. Жиноятнинг предмети сифатида эса, банд солинган мулк бўлади.

Аммо, ЖК 233-моддаси бўйича тергов ва суд амалиёти таҳлили ушбу жиноятнинг объекти ҳаддан ташқари кенгайиб кетган ёки уни амалиётда қўллашда тушунмовчиликлар мавжуд, деган хулосаларга олиб келмоқда.

Тадқиқот давомида ЖК 233-моддаси бўйича 300 дан ортиқ суд ҳукмлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида 16% ҳолатда суд қарори, тергов органи ёки Мажбурий ижро бюроси (МИБ) томонидан банд солинган мулклар тасарруф қилингани учун, 84 % ҳолатда банк кредити таъминоти сифатида гаровда бўлган мулк тасарруф қилингани учун жиноий жавобгарлик келиб чиққанлиги аниқланди.

Шу сабабдан ҳам ҳақли савол келиб чиқади, банкдан олинган кредит таъминоти учун гаровга қўйилган мол-мулкларни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш ЖК 233-моддасида белгиланган жиноят ҳисобланадими? ЖК 233-моддаси бўйича объект одил судлов манфаатлари ҳисобланади, банк кредити таъминоти учун гаровда бўлган мулк тасарруф қилиниши одил судлов манфаатларига дахл қиладими?.

ЖПКнинг 290-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, мол-мулкни хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича прокурор розилиги билан ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган судининг ажрими бўйича амалга оширилади.

<sup>3</sup> Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи курси. IV Том. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. «ILM ZIYO» нашриёт уйи. Т. 2011. 347-б.



Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>4</sup>нинг 5-моддасида ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари сифатида:

1) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) ҳакамлик судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) давлат ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари белгиланган.

Ушбу қонуннинг 53-моддасига мувофиқ, МИБ ходимлари томонидан қарздорнинг мол-мулкини хатлаш тартиби белгиланган.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни.  
<https://lex.uz/docs/26477>



Демак, ЖК 233-моддасида назарда тутилган қилмиш жиноят ҳисобланиши учун суднинг ажрими, суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд МИБ томонидан хатланган (банд солинган) мол-мулк қонунга хилоф равишда тасарруф қилиниши керак. Ана шундагина одил судлов манфаатларига дахл қилинган бўлади.

Банклар томонидан кредит таъминоти учун гавровга олинган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш эса, одил судлов манфаатларига дахл қилмаслиги, яъни ЖК 233-моддаси назарда тутилган жиноятнинг объекти мавжуд эмаслиги сабабли ҳам, бунда қилмишлар ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ёки фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши керак.

Юқорида таъкидланганидек, ўрганиб чиқилган 300 дан ортиқ ишларнинг таҳлили давомида фақат ЖКнинг 233-моддаси билан тергов қилиниб судга юборилган ишлар 13,5%ни, ЖК 167, 168, 228 ва бошқа моддалар билан жиноятлар жами сифатида тергов қилиниб, судга юборилган ишлар эса 86,5 % ни ташкил қилганлиги аниқланди. Суд томонидан қилмиш нотўғри квалификация қилинганлиги ёки қилмишда одил судлов манфаатларига дахл қилиш мавжуд эмаслиги сабабли 43,2% ҳолатда ЖК 233-моддаси айбловдан чиқарилган ёки ушбу айблов бўйича оқланган.

Фикримизча, қонунчиликка мувофиқ банд солинган мол-мулк процессуал қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда хатланган бўлиши, гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суд депозит ҳисоб varaғига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан бўлиши, жиноят объекти суд идораларининг нормал фаолияти ҳисобланиши, қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки шикаст етказишда объект сифатида суд ва тергов органининг нуфузи ҳам эътироф этилиши, хатланган мол мулк-тасарруф қилиниши жиноий процессуал қонунчилик асосида таъқиқлаб қўйилган мулклиги, гаровга қўйилган мол-мулк бу суриштирув ва тергов органларига айбланувчи ёки судланувчи томонидан ўзига қўйилган мажбуриятларни бажаришнинг моддий кафолати сифатида бериладиган мол-мулклиги, фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш усули сифатидаги гаров гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилмаслиги,



қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 167 ёки 173-моддаларидаги белгилар бўлганда келиб чиқиши ҳисобга олиниши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖКнинг 233-моддасида белгиланган банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятининг объекти тергов ва суд идораларининг нормал фаолият юритиши, суд ва тергов органларининг нуфузи эканлигидан келиб чиққан ҳолда, банкдан олинган кредит таъминоти учун гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш иш ҳолатларига қараб ЖКнинг 167 ёки 173-моддалари билан квалификация қилиниши зарур, деган хулоса илгари сурилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ушбу масала бўйича суд амалиётини умумлаштирган ҳолда, банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш ҳамда банклардан олинган кредит гарови сифатида қўйилган мол-мулкларни қонунга хилоф тасарруф этишнинг аниқ чегараларини белгилаб бериши тергов ва суд амалиётидаги тушунмовчиликларга барҳам берган бўлар эди.